Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 46 (6164).

7 МАРТ

СЕШАНБА

1978 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

«САЛЮТ-6» — «СОЮЗ-27» — «СОЮЗ-28» ОРБИТАЛ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ КОМПЛЕКСИНИНГ ХАЛҚАРО ЭКИПАЖИ

Космонавтлар РОМАНЕНКО, ГРЕЧКО, ГУБАРЕВ, РЕМЕККА

Азиз ўртоқлар!

Сизларни, орбитал космик лабораториянинг аҳил халқаро экипажини самимий табриклаймиз.

«Интеркосмос» программасида қатнашувчи социалистик мамлакатлар тинч мақсадларда ўтказаётган космик фазони биргаликда тадқиқ қилиш ва ундан фойдаланишнинг янги босқичини очишда иштирок этишдек катта шарафга муяссар бўлдингиз. Аминимизки, сизлар ана шу юксак шарафни оқлайсизлар, орбитал илмий-тадқиқот комплексида социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари космонавтлари иши яхлит программасининг амалга оширилишига салмоқли ҳисса қўшасизлар.

Ер атрофи орбитасида орбитал станция ва иккита космик кемадан иборат илмий-тадқиқот комплексининг вужудга келтирилганлиги, комплекс ичида совет ва халқаро экипажларнинг ишлаши космик фазони бундан буён ўзлаштириш соҳасида янги истиқболлар очиб беради.

Космосдаги интернационал ҳамкорлик-социалистик мамлакатлар ўртасидаги қардошлик муносабатларининг яна бир исботи, социалистик интернационализм кучининг яна бир далилидир.

Азиз Романенко, Гречко, Губарев, Ремек ўртоқлар, сизларга учишнинг мураккаб программасини муваффақиятли бажаришингизни ва жонажон ерга эсон-омон қайтиб келишингизни тилаймиз.

Л. БРЕЖНЕВ. Г. ГУСАК.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ «ЛЕКЦИЯ ПРОПАГАНДАСИНИНГ АҲВОЛИ ВА УНИ ЯХШИЛАШ ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА» ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛДИ.

КПСС Марказий Комитети қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: партия ташкилотлари кейинги йилларда лекция пропагандасини яхши йўлга қўйишга эришдилар. Лекция пропагандаси мамлакатнинг маънавий ҳаётига сингиб кетди, илмий дунёқарашни, ҳаётда актив позицияда туришни, совет кишиларининг юксак ғоявий-сиёсий ва ахлоқий фазилатларини шакллантиришнинг таъсирчан омилига айланди, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишда муҳим роль ўйнамоқда.

Марксча-ленинча назарияни пропаганда қилиш, партия ички ва ташқи сиёсатини, КПСС XXV съездининг ҳужжатларини, СССР янги Конституциясини, илмий коммунизмнинг ўртоқ Л. И. Брежнев ва партия бошқа раҳбарларининг асарларида ишлаб чиқилган актуал проблемаларини пропаганда қилиш лекция ишида асосий ўринни эгаллайди. КПСС Марказий Комитети совет олимлари, мутахассислар, ўқитувчилар, врачлар, юристлар, маданият арбобларининг, партия ветеранлари, уруш ва меҳнат ветеранларининг сиёсий ва илмий билимларни пропаганда қилиш соҳасидаги олижаноб меҳнатига юксак баҳо беради. Совет зиёлиларининг халқ билан чамбарчас алоқаси, уларнинг коммунизм идеалларига фидокорона садоқати ана шу меҳнатда ёрқин намоён бўлмоқда.

Шу билан бирга КПСС Марказий Комитетининг қарорида ривожланган социализм шароитида, фан-техника революцияси чуқурлашиб бораётган ва жаҳон миқёсида идеологик кураш мураккаблашган бир шароитда лекция пропагандасини янада такомиллаштириш, унинг коммунистик қурилиш вазифаларини ҳал этишдаги ролини ошириш зарур, деб уқтириб ўтади. Кўпгина партия комитетлари лекция пропагандасининг қўламларини унинг ғоявий-сиёсий савиясини, ҳужумкорлик ва таъсирчанлигини муттасил ошириш билан бирга қўшиб олиб бориш соҳасида ҳали лозим даражада сабот-матонат билан иш олиб бормаётирлар. Совет кишиларининг билими, воқеалардан хабардорлиги ва маданий савияси юксак даражага кўтарилганлиги, уларнинг ўз билимларини доим камол топтириб, тўлдириб бориш, мамлакат ва халқаро ҳаётнинг ижтимоий-сиёсий тараққиётига доир актуал проблемаларга дарҳол эътибор бериш борасидаги эҳтиёжлари ҳамиша ҳисобга олинмоқда, деб бўлмайди.

Лекторларни тайёрлаш ва малакасини ошириш, уларга зарур илмий-методик ёрдам бериш ишларида жиддий камчиликлар бор. Айрим партия, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик раҳбарлари ички ва халқаро ҳаётга доир масалалар, шаҳар, район, коллективнинг навбатдаги вазифалари юзасидан меҳнаткашлар ҳузурида, лекторлар активи ҳузурида мунтазам равишда лекция ўқимаётирлар.

КПСС Марказий Комитети иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетларига, ўлка, область, округ, шаҳар ва район партия комитетларига меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш, КПСС XXV съездининг қарорларини бажаришда ривожланган социализм имкониятларини рўёбга чиқаришда омманинг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайратини ривожлантиришнинг муҳим воситаси бўлган лекция пропагандасини янада юксак даражага кўтаришни таъминлашни топширди.

Лекция пропагандаси совет кишиларини юксак ғоявийлик, маданият, граждан масъулиятини сезиш, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш, ахлоқий поклик, совет ватанпарварлиги ва интернационализм руҳида, Ватанни ҳимоя қилишга шай бўлиб туриш руҳида тарбиялаши, марксча-ленинча назарияни, КПССнинг бу назарияни ривожлантиришга қўшган ижодий ҳиссасини, ички ва ташқи сиёсатнинг актуал масалаларини, СССР янги Конституциясининг мазмунини ҳар томонлама чуқур тушунтириб бериши; социалистик мусобақани, ижодий ташаббусни ривожлантиришга, илғор тажрибани кенг ёйишга ёрдам бериши керак. Лекция пропагандаси барча коллективларида мунтазам равишда олиб борилиши мазмуни жиҳатидан ғоят илмий ва формаси жиҳатидан ёрқин бўлиши, буржуазия идеологияси, маочилар ва ревизионистлар идеологиясига қарши муросасиз ва ҳужумкор кураш олиб бориш, муҳим ва кескин масалаларга батафсил жавоб бериши, жамоатчилик фикрини шакллантириш ва ўрганишнинг самарали воситаси бўлиб хизмат қилиши лозим.

Ёшлар ўртасида лекция ишларини кучайтириш, ёш авлодни коммунистик идеалар руҳида партия ва халқнинг революцион, жангговар ва меҳнат традициялари руҳида тарбиялаш, партия ва меҳнат ветеранларини, гражданлар уруши ва Улуғ Ватан уруши иштирокчиларини ёшлар ҳузурида лекция ва доклад қилишга кенг қатнаштириш зарур эканлигига эътибор жалб этилди.

Халқ университетларини, ижтимоий-сиёсий ўқишни, лекторийларни, лекция циклларини ва муайян соҳада тингловчиларга системали равишда билим берадиган, меҳнаткашларнинг малакасини оширишга, омманинг ижтимоий активлигини оширишга ёрдам берадиган бошқа формаларни бутун чоралар билан ривожлантириш тавсия этилди. Шу мақсадда сиёсий маориф уйлари ва илмий-техника пропагандасидан, клублар, маданият саройлари, кутубхоналар, парклардан, телевидение ҳамда радионинг жуда катта имкониятларидан тўлиқ фойдаланилсин.

Иттифоқдош республикалар компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка, область, округ, шаҳар ва район партия комитетлари, партия комитетларидаги лекторлар группаларининг ишини юксак даражага кўтаришлари, уларнинг лекция пропагандасининг умумий ҳолатига, лектор кадрларнинг ўқишига йўналтирувчи таъсирини кучайтиришлари зарур. КПСС Марказий Комитетининг бўлимларига штатдаги лекторларнинг Бутуниттифоқ семинарларини мунтазам равишда ўтказиб туриш, лекцияларда бериладиган саволларни умумлаштириш ҳамда анализ қилиш топширилди.

Партия комитетларига Бутуниттифоқ «Билим» жамиятини идеология иши системасининг муҳим бўғини деб, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда партиянинг актив ёрдамчиси деб ҳисоблаган ҳолда унинг ташкилотларига раҳбарликни кучайтириш тавсия этилди. «Билим» жамиятининг ҳар бир ташкилоти сиёсий ва илмий билимларни пропаганда қилишни юксак даражага кўтара оладиган ижодий коллектив бўлиб қолишига эришилсин. Партия ва совет органларининг қарорлари, социал-иқтисодий ва маданий қурилиш вазифалари тўғрисида лекторларга мунтазам равишда ахборот бериб турилсин. Район ташкилотлари ва бошланғич ташкилотларнинг лекторларига ёрдам кучайтирилсин.

«Билим» жамиятининг диққат-эътибори лекция ишининг сифатини оширишга, бу ишнинг илмий асосларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга, лекторларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш системасини вужудга келтиришга қаратилсин. Жамоатчилик асосида ишлаш бутун чоралар билан ривожлантирилсин, лекция пропагандасининг мазмуни ва тематик жиҳатдан йўналтирилганлиги учун илмий-методик кенгашлар ва секцияларнинг масъулияти оширилсин. Лекторларни техникавий воситалар, кўргазмали қўлланмалар, маълумот берувчи материаллар билан таъминлаш яхшилансин. «Билим» жамиятининг бутун фаолиятини яхшилаш, унинг обрў-эътиборини ошириш тадбири сифатида аъзолик билетлари алмаштирилсин.

ВЦСПСга, ВЛКСМ Марказий Комитетига, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг Бош сиёсий бошқармасига, ижодий союзларга, лекция пропагандаси билан шуғулланувчи идоралар ва жамоат ташкилотларига Бутуниттифоқ «Билим» жамияти билан ўзаро мустаҳкам алоқа боғлаб, лекция пропагандасини координациялашни чуқурлаштириш, ташкил этиш ва мазмунини янада яхшилаш, самарадорлигини ошириш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш топширилди.

СССР фанлар академиясига, тармоқ академияларига, СССР Олий таълим министрлигига, СССР Маориф министрлигига ҳамда бошқа министрликлар ва идораларга олимларни, ўқитувчиларни, халқ хўжалиги мутахассисларини, илғор ишчилар ва колхозчиларни лекция ишига жалб этиш учун бутун чоралар билан ёрдам бериш тавсия қилинди. Уларнинг лекция пропагандасидаги иштироки сиёсий жиҳатдан ғоят муҳим иш деб қаралсин. Бунинг учун зарур шарт-шароитлар вужудга келтирилсин, лекторларнинг меҳнати рағбатлантирилсин. Кадрларни қайта аттестациядан ўтказиш вақтида уларнинг билимларни пропаганда қилишдаги иштироки ҳисобга олинсин. Энг яхши лекторлар пропаганда соҳасидаги кўп йиллик фаолияти учун республикада хизмат кўрсатган маданият ходими фахрий унвонини олишга тақдим этилсин.

Ёшлар орасида лекторлар тайёрлаш ва уларни тарбиялашга доим эътибор берилсин. Бутуниттифоқ «Билим» жамияти правлениеси, СССР Олий таълим министрлиги, СССР Маориф министрлиги, ВЛКСМ Марказий Комитети ёш лектор мактаби шохобчаларини кенгайтирсинлар ва уларнинг ишини яхши йўлга қўйсинлар, улар учун программа ва ўқув планлари тузиб чиқилсин, ёш мутахассислар, аспирантлар ва студентлар лекция фаолиятига актив жалб этилсин.

«Билим» жамияти, илмий-техника жамиятлари, ихтиочилар ва рационализаторлар жамияти СССР Фанлар академияси билан биргаликда табиий-илмий ва илмий-техника пропагандасини янада ривожлантириш чораларини кўришлари, бу соҳадаги ишларни координациялашни кучайтиришлари лозим. Илмий-техника пропагандаси тармоқлараро ўйлари шохобчаларини кенгайтириш, ишчилар, колхозчилар ва мутахассисларнинг малакасини ошириш, ишлаб чиқаришдаги илғор тажрибани ёйиш учун уларнинг имкониятларидан самаралироқ фойдаланиш кўзда тутилади.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси давлат комитетига, Бутуниттифоқ «Билим» жамияти правлениесига илмий-оммабоп адабиёт сифатини яхшилаш топширилди. Тематикани актуаллаштириш, босиб чиқариладиган материалларнинг ғоявий-сиёсий ва илмий жиҳатдан юксак савияда бўлиши таъминлансин, ички ва халқаро ҳаётдаги энг муҳим воқеаларга оператив равишда эътибор берилсин. Лекторларга ёрдам бериш учун адабиёт нашр этиш — брошюралар, тематик кутубхоналар, методик қўлланмаларни, шунингдек буржуа пропагандасини асосли равишда фош қилиш учун далил ва фактлар баён этилган материалларни чоп этишга алоҳида эътибор берилсин. Энг яхши илмий-оммабоп асарларни яратиш учун конкурслар ўтказилсин.

КПСС Марказий Комитетининг қарорида лекция пропагандасини яхши йўлга қўйишга қаратилган бошқа тадбирлар ҳам кўзда тутилган.

ОРБИТАДА ТЎРТ КОСМОНАВТ

ТАСС АХБОРОТИ

1978 йил 3 март куни Москва вақти билан соат 20 дан 10 минут ўтганда кема командири Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССРнинг космонавт-учувчиси Алексей Губарев ва тадқиқотчи космонавт ЧССР граждани Владимир Ремекдан иборат биринчи халқаро экипаж бошқараётган «Союз-28» космик кемаси «Салют-6» — «Союз-27» орбитал комплекси билан туташди.

Ер атрофидаги орбитада «Салют-6» — «Союз-27» — «Союз-28» илмий-тадқиқот комплекси бортида халқаро экипаж — Романенко, Гречко, Губарев ва Ремек ўртоқлар тадқиқотларни олиб бормоқдалар.

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 5 март. (ТАСС). Космонавтлар Юрий Романенко, Георгий Гречко, Алексей Губарев ва Владимир Ремек «Салют-6» — «Союз-27» — «Союз-28» орбитал комплекси бортида илмий-тадқиқотлар ва эксперименталр программасини давом этмоқдалар.

Комплекс экипажи билан биринчи радио алоқа сеанси бугун эрталаб соат ўнда ўтказилди. Медицина тадқиқотлари программасига мувофиқ Алексей Губарев билан Владимир Ремек вазнсизлик шароитидаги кишининг тўқималаридаги кислород режимини ўрганиш юзасидан Совет-Чехословакия қўшма экспериментини ўтказдилар. Бу эксперимент ЧССР мутахассислари ясаган «Оксиметр» прибори ёрдамида бажарилди.

Телеметрик ахборот маълумотларига ва экипажнинг докладларига кўра, орбитал комплекснинг борт системалари нормал ишлаб турибди, космонавтлар ўзларини яхши ҳис этмоқдалар.

«Салют-6» — «Союз-27» — «Союз-28» илмий-тадқиқот космик комплекси учишни давом эттирмоқда.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси

ўртоқ Леонид Ильич БРЕЖНЕВга

Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, ЧССР Президенти

ўртоқ Густав ГУСАКка

Халқаро экипаж илмий-техникавий ва медицина-биологик тадқиқотлар ва экспериментларнинг планлаштирилган программасини бажаришга киришганлигини «Салют-6» — «Союз-27» — «Союз-28» орбитал илмий-тадқиқот комплексидан сизларга маълум қилиш билан бахтиёрмиз.

Космик комплексдаги системалар нормал ишлаб турибди. Экипаж барча аъзолари ўзларини яхши ҳис этмоқдалар.

Халқаро экипажимиз учиш программасини бажариш учун бутун куч ва маҳоратини сарфлайди.

Яшасин қардош социалистик мамлакатларнинг дўстлиги ва ҳамкорлиги!

«Салют-6» — «Союз-27» — «Союз-28» орбитал комплексининг экипажи

Ю. РОМАНЕНКО, Г. ГРЕЧКО, А. ГУБАРЕВ, В. РЕМЕК.

ЎЗБЕКИСТОН КОМСОМОЛИНИНГ XXI СЪЕЗДИ

Ўзбекистон ЛКСМнинг XXI съезди 4 март куни Тошкентда ўз ишини давом эттирди.

Мажлисларда Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг ва Ўзбекистон ЛКСМ Ревизия комиссиясининг ҳисобот докладлари юзасидан музокаралар давом эттирилди.

Докладлар юзасидан Тошкент шаҳар комсомол комитетининг биринчи секретари Ш. Т. Нусратов, Хивадаги Пушкин номли мактаб ўқувчиси С. В. Антонов, Сариосиё районидаги Калинин номли колхоз маккажўхорикорлик бригадасининг бошлиғи У. А. Ерова, Қашқадарё область комсомол комитетининг биринчи секретари А. А. Аҳмедов, Бухоро область комсомол комитетининг биринчи секретари Э. Ҳ. Закиряев, Хоразм область комсомол комитетининг биринчи секретари О. М. Болтаев, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Ҳунартехника таълими давлат комитети раиси П. Қ. Қаюмов, Тошкент Тўқимачилик комбинатининг йигирувчиси Л. А. Хегай, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи сиёсий бошқармаси бошлиғининг комсомол ишлари бўйича ёрдамчиси В. В. Козлобаев сўзга чиқдилар.

Съезд делегати, космонавт В. А. Жонибековнинг нутқи самимий кутиб олинди.

Съезд Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг ҳисобот доклади юзасидан резолюция қабул қилди. Ўзбекистон ЛКСМ Ревизия комиссиясининг ҳисоботи тасдиқланди.

Съезд республика комсомол ташкилотининг раҳбар органларини — Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети ва Ревизия комиссиясини сайлади.

Съезд КПСС Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневга баланд руҳ билан табрикнома қабул қилди.

Съезд ёпиқ деб эълон қилинади. Залда «Интернационал» янграйди.

* * *

4 март куни Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи пленуми бўлди. Пленумда ташкилий масалалар кўриб чиқилди.

Э. Ғ. Ғафуржонов Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари, С. В. Кудрявцев иккинчи секретари, А. У. Бозоров, У. А. Сайдаматов, Ш. Н. Маҳмудова Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг секретарлари қилиб сайландилар.

[ЎзТАГ].

ЗАРБДОР ЙИЛНИНГ УЛКАН МАРРАЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ 1978 ЙИЛИГИ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари партия XXV съезди қарорларини амалга ошириб бориб, Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун ўзаро мусобақани авж олдириб, СССР янги Конституциясининг қабул қилинишини зарбдор меҳнат билан нишонлаб, ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йилида ўз зиммаларига олган юксак социалистик мажбуриятларни шараф билан бажаришга муваффақ бўлдилар.

Республика пахтакорлари ўзларининг қаҳрамонона меҳнатлари ва юксак маҳоратлари билан сув тақчиллигини ҳамда табиат инжиқликларини енгиб, мўл ҳосил етиштирдилар, йигим-теримни уюшқоқлик билан ўтказдилар ва давлатга рекорд миқдорда — 5 миллион 680 минг тонна пахта сотдилар. Бу кўрсаткич пахтачилик тарихида ҳали мисли кўрилмаган энг юқори кўрсаткич бўлиб, планда белгиланганига нисбатан 1 миллион 30 минг тонна, аввалги йилдагига нисбатан эса 343 минг тонна кўп. Демакдир. 282 минг тонна ингичка толали пахта тайёрланиб, бу соҳада берилган топшириқ ҳам анча ортиғи билан бажарилди. Республика бўйича ҳар гектар пахта майдонидан ўрта ҳисобда 31,6 центнердан ҳосил олинди.

Юбилей йилида Ўзбекистоннинг катта пахта хирмонини яратиш учун олиб борилган қаҳрамонона курашга Қорақалпоғистон Автоном Республикасининг ва барча областларнинг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ўзларининг мусобақа ҳиссаларини қўшдилар. Хоразм областининг хўжаликлари ҳар гектар майдондан 40,9 центнердан, Наманган областининг хўжаликлари 34,2 центнердан, Бухоро областининг хўжаликлари 34 центнердан, 11 та район ҳар гектар ердан 40—45 центнердан, 25 район 35 центнердан 40 центнергача ҳосил кўтариб, энг юқори кўрсаткичга эришдилар. Сурхондарё области гектар бошига 30 центнердан ошириб ингичка толали пахта етиштиришга муваффақ бўлди.

Кўпгина хўжаликлар, юзларча илғор пахтакорлар юбилей йилида гектар бошига 50—60 центнердан пахта ҳосили олиш учун ўзаро социалистик мусобақа боғлаб астойдил ишладилар ва ўз сўзларининг устидан чиқдилар.

Пахтадан мўл ҳосил етиштиришда ва пахта тайёрлаш ишларини жадал суръатлар билан олиб боришда шонли механизаторлар ҳал қилувчи роль ўйнадилар. Улар мавжуд техника воситаларидан юксак унум билан фойдаланиб, машиналар билан ялпи ҳосилнинг 3 миллион 364 минг тоннасини, яъни 60 процентини териб олдилар. Тошкент областининг механизаторлари ялпи ҳосилнинг 80 процентини, Коммунистик, Галаба, Оқолтин, Задарё районларининг механизаторлари 93—95 процентини, Арнасой, Дўстлик, Учқўрғон, Оққўрғон, Бўка, Ўрта Чирчиқ районларининг механизаторлари 80—90 процентини «зангори кема»лар билан териб олишга муваффақ бўлдилар.

Кўпгина хўжаликлар етиштирилган ялпи ҳосилнинг деярли ҳаммасини қўл кучи ишлатмасдан, фақат машиналар билан териб олишга эришдилар.

Пахта териш машиналарининг мингларча механик-ҳайдовчилари машина теримида энг юксак натижаларни қўлга киритдилар ва ўз машиналари билан 340—660 тоннадан пахта териб олдилар.

Қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ҳам қувончли натижаларга эришилди. Ғаллакорлар 1730 минг тонна дон етиштириб, давлатга 800 минг тоннадан ортиқ дон сотдилар ва топшириқни 123 процент қилиб бажардилар. Шу жумладан, давлатга 271 минг тонна шоли сотилиб, бу соҳадаги топшириқ 117 процент адо этилди. Ўтган йили маккажўхори донидан биринчи марта гектар бошига 70 центнердан ҳосил олишга ва 900 минг тоннадан зиёд маккажўхори дони етиштиришга эришилди. Кўпгина районлар, хўжаликлар ва бригадалар гектар бошига 90—100 центнердан ва ундан ҳам ошириб маккажўхори дони олишга муваффақ бўлдилар.

Сабзавот тайёрлаш плани 125 процент, картошка тайёрлаш плани 111 процент, полиз экинлари маҳсулотлари тайёрлаш плани 125 процент, мева тайёрлаш плани 157 процент, узум тайёрлаш плани 104 процент, канап пояси тайёрлаш плани 103 процент, тамаки барги тайёрлаш плани 104 процент бажарилди.

Гўшт тайёрлашнинг умумий ҳажми 109 процент, сут тайёрлашнинг умумий ҳажми 114 процент, тухум тайёрлашнинг умумий ҳажми 113 процент, пилла тайёрлашнинг умумий ҳажми 112 процент адо этилди. Чорва моллари ва паррандаларнинг сони кўпайтирилди, уларнинг маҳсулдорлиги оширилди, чорва моллари ва паррандаларнинг ўрнини тўлдириш яхшиланди, чорвачиликнинг ем-хашак базаси мустаҳкамланди. Дағал хашак тайёрлаш плани 116 процент, сенаж бостириш плани 132 процент бажарилди. Аввалги йилдагига нисбатан анча кўп миқдорда силос ва витаминли ўт уни тайёрланди. Чорвачиликда ишлаб чиқаришни концентрациялаш, ихтисослаштириш, кооперациялаш ва чорвачиликни саноат асосида ишлашга кўчириш юзасидан конкрет тадбирлар амалга оширилмоқда.

Пахта ва бошқа деҳқончилик ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда қўлга киритилган бу муваффақиятлар — КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати оталарча кўрсатаётган доимий ғамхўрлиги, партия аграр сиёсатининг муваффақиятли суратда амалга оширилаётганлигининг, колхозчилар ва совхоз ишчиларининг фидокорона меҳнати, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассисларининг, олимларнинг актив ижодий ишлари, партия, совет, қишлоқ хўжалиги органлари, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг олиб бораётган катта ташкилотчилик ишлари натижасидир.

(Давоми 2- ва 3-бетларда).

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси

ўртоқ Леонид Ильич БРЕЖНЕВга

Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, ЧССР Президенти

ўртоқ Густав ГУСАКка

Азиз Леонид Ильич Брежнев ва Густав Гусак!

Самимий табрикларингиз ва эзгу истакларингиз учун сизларга сидқидилдан миннатдорчилик билдирамиз.

Қардош мамлакатларимизнинг партия ва давлат раҳбарларига ҳамда шахсан сизларга, Леонид Ильич ва Густав Никодимович, ваъда бериб айтамизки, ўзимизнинг бутун куч ва билимимизни тўла-тўкис ишга солиб, халқаро экипаж деган юксак шарафни оқлашга ҳаракат қиламиз. Халқаро экипаж тинч мақсадларда космосни тадқиқ қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасида социалистик мамлакатларнинг биргаликдаги яхлит программасини амалга оширишга киришди.

Яшасин социалистик интернационализм!

«Салют-6» — «Союз-27» — «Союз-28» орбитал комплексининг экипажи

Ю. РОМАНЕНКО, Г. ГРЕЧКО, А. ГУБАРЕВ, В. РЕМЕК.

ВЕРА СОЛДАТОВА:

МАКТУБГА АМАЛИЙ ЖАВОБИМ

Тошкент тўқимачилик комбинатининг донгдор тўқувчиси Вера Ивановна Солдатова коммунистик шанбалик ҳисобига уч минг метр газлама тўқишга қарор қилди. Бу унинг бултурги «Қизил шанбалик» фондига қўшганидан қарийб 600 метр кўп Хизмат зонасини кенгайтириш ишчининг шундай қадам ташлашига ёрдам берди: у 64 тўқув станогини бир ўзи бошқариб, комбинатда бу билан энг юксак меҳнат унумдорлигига эришди.

Вера Ивановнанинг ишчилик биографияси учта ўн йилликка баравар. У бундан бир неча йил аввал комбинатда биринчи бўлиб 32 станокда ишлашга ўтган эди. Ушанда бу марра эришиб бўлмайдигандек туюлди. Сўнгра корхонанинг энг яхши ишчиларидан бири бўлган Солдатова цехда энг паст иш унуми билан «шухрат қозонган» ўттизинчи комплектга ўтишга қарор қилди. Бу комплектда ишчилар муқим ишлаб қолмасдилар: станоклар эски, калаванинг тез-тез узилиб туриши натижасида унум бўлмас ва оқибатда иш ҳақи ҳам паст эди. Вера Ивановна айни шу ерда Л. П. Казанцева билан илк бор учрашди. Улар бирбирлари билан смена алмашиб ишлай бошладилар, ҳам дугона, ҳам мусобақада бир-бирларига «рақиб бўлдилар». Биргалашиб қийин курашда бутун комплектни олдинга «тортиб чиқардилар». Эндиликда бу комплект нафақат комбинатда, балки бутун мамлакатда ҳам энг яхшилар қаторида ҳисобланади. Тошкентлик тўқувчиларнинг ҳамма рекордлари айни шу станокларда вужудга келган.

Икки донгдор меҳнаткашнинг рақобати икковларига ҳам кўп наф берди. Дам биттаси, дам иккинчиси олдинда борарди. Лидия Павловна республикада биринчи бўлиб нормадаги 24 ўрнига 48 станокда ишлашга ўтди. Энди бўлса, яна Вера Ивановна ундан ўзиб кетди. Биринчи навбатда йиллар оша қиёмига етган юксак профессионал маҳорат унинг юксак нагрузка билан ишлашига ёрдам бермоқда. У асосий ишни бажаришни — узилган калавани нормадаги 25 секунд ўрнига 17 секундда улашни ўрганиб олди.

Вера Ивановна рекорд самара билан ишлаб, комбинатнинг тўқувчилари орасида биринчи бўлиб шахсий беш йиллик планини бажариб қўйди. Шундай қилиб, у бундан икки йил аввал зиммасига олган мажбуриятини: меҳнат унумдорлигини икки баравар ошираман, деган ваъдасини бажаришга ҳал қилувчи ҳисса қўшди. Донгдор ишчи эришилган натижалар билан чекланиб қоладиган киши эмас. Вера Изановна дастлабки мажбуриятини қайтадан кўриб чиқди. У КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактубига жавобан ўнинчи беш йилликда ўн икки йиллик нормани бажариш мажбуриятини олди. Ўзбекистон тўқимачилари учун шу янги юксак маррани ўзлаштирувчи киши ҳам яна В. И. Солдатова бўлди.

Э. ШАЛЬ, ЎзТАГ мухбири.

ЗАРБДОР ЙИЛНИНГ УЛКАН МАРРАЛАРИ

(Боши биринчи бетда).

Эришилган катта ғалабада қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги, саноат, транспорт ва бошқа соҳаларда фидокорона меҳнат қилаётган барча кишиларнинг муносиб ҳиссалари бор. Республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари эришган улкан зафар буюк Ватанимизнинг шонли юбилейига муносиб совға бўлди ва КПСС Марказий Комитети томонидан юксак баҳоланди.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида қўлга киритган ютуқларимиз — ўнинчи беш йилликнинг учинчи йили ва ундан кейинги йиллари учун белгилаб берилган вазифаларни муваффақиятли суратда бажариш ҳамда янгидан-янги марраларни эгаллашда муҳим босқич бўлиб ҳисобланади. Деҳқончилик ва чорвачиликнинг ҳамма тармоқларида қўлга киритилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш ва тағин ҳам юқорироқ марраларни эгаллаш —қишлоқ хўжалик ходимларининг шарафли бурчидир.

Ўнинчи беш йилликнинг учинчи йилида Ўзбекистон қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари олдида жуда катта вазифалар турибди. Бу вазифалар КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1977 йил) Пленумида аниқ ва равшан белгилаб берилган.

Биз, Ўзбекистон ССРнинг дала ва ферма меҳнаткашлари партия XXV съезди тарихий қарорларини амалга ошира бориб, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «1978 йил планларини ортиғи билан бажариш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш учун курашни кучайтириш юзасидан социалистик мусобақани кенг авж олдириш тўғрисида»ги Мактубига жавобан мавжуд резервлардан тўла фойдаланиш, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳамда тайёрлашни кўпайтириш мақсадида ўзаро социалистик мусобақани янада кучайтирамиз, ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш, кам сарф-ҳаражатлар қилган ҳолда юксак натижаларга эришиш йўлида олиб борилаётган умумхалқ курашига активлик билан қўшиламиз.

Биз, қурултой қатнашчилари Ўзбекистоннинг барча колхоз-совхозлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарининг барча меҳнаткашлари номидан 1978 йил учун ўз зиммамизга қуйидаги социалистик мажбуриятларни қабул қиламиз:

1. 5 миллион 550 минг тонна пахта, шу жумладан 328 минг тонна нингчка толали пахта етиштириб, давлатга сотамиз. Ҳар гектар майдондан камида 32 центнердан пахта ҳосили етиштирамиз.

Ана шу мақсадни муваффақиятли бажариш, баҳорги дала ишларини намунали ўтказиш учун бутун кучимиз, билимимиз ва тажрибамизни ишга соламиз. Юқори сифатли уруғлар билан баҳорги экиш кампаниясини қулай агротехника муддатларда, қисқа вақт ичида тугаллашни таъминлаймиз. Ғўза ва бошқа экинларни парвариш қилишнинг комплекс агротехник тадбирларини юқори сифатли қилиб амалга оширамиз. Ҳосилдорликни ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилашга эришамиз.

Бундан буён ҳам деҳқончилик маданиятини оширишга, алмашлаб экишни ва техника тараққиётини жорий этишга, комплекс механизациялашга, ер-сувдан фойдаланишнинг самарадорлигини оширишга, моддий-техника базасидан ва қишлоқ хўжалиги техникасидан, ҳар бир агрегат, ҳар бир трактордан юксак унум билан фойдаланишга жиддий аҳамият берамиз. Тупроқ унумдорлигини оширишда маҳаллий ва минерал ўғитлардан унумли фойдаланамиз ҳамда бундан кўриладиган самаранинг юқори бўлишига эришамиз.

1 миллион гектар майдонга чигитни кенг қаторлаб экамиз. 800 минг гектар майдонга чигитни белгиланган миқдорда экамиз. 1,5 миллион гектар майдонда гербицидлар ишлатамиз, бир миллион гектар майдондаги ғўзани механизмлар билан чеканка қиламиз. Пахта териш машиналари билан камида 3 миллион 500 минг тонна пахтани териб оламиз. Қишлоқ хўжалик зараркунандалари, касалликлари ва бегона ўтларга қарши курашда биологик усуллардан кенг фойдаланамиз. Пахтачиликда меҳнат унумдорлигини ўтган йилдагига нисбатан камида 5 процент оширишни таъминлаймиз.

2. Ҳамма категориядаги хўжаликлар бўйича дон етиштиришни 2,4 миллион тоннага, шу жумладан колхозлар ва давлат хўжаликларида маккажўхори дони етиштиришни 1 миллион тоннага, шоли етиштиришни 400 минг тоннага етказамиз.

Колхозлар ва давлат хўжаликларида 1 миллион 150 минг тонна сабзавот, 190 минг тонна картошка, 565 минг тонна полиз экинлари маҳсулотлари, 285 минг тонна ҳўл мева, 340 минг тонна узум етиштирамиз.

Ҳамма категориядаги хўжаликлар бўйича давлатга 1 миллион тонна дон, шу жумладан 275 минг тонна шоли, 1 миллион 150 минг тонна сабзавот, 500 минг тонна полиз экинлари маҳсулотлари, 110 минг тонна картошка, 190 минг тонна ҳўл мева, 300 минг тонна узум сотамиз. Мамлакатимизнинг шаҳарлари ва саноат марказларига сабзавотчилик ва боғдорчилик маҳсулотлари етказиб беришни анча кўпайтирамиз. 310 минг тонна каноп пояси, 26,5 минг тонна тамаки барги етиштириб, давлатга сотамиз.

3. Колхозлар, давлат хўжаликлари ва хўжаликлараро корхоналарда 250 минг тонна ғўшт, 750 минг тонна сут, 850 миллион дона тухум, 16 минг 250 тонна жун етиштирамиз. Ҳамма категориядаги хўжаликлар бўйича давлатга (тирик вазнда) 240 минг тонна ғўшт, 680 минг тонна сут, 750 миллион дона тухум, 25,5 минг тонна жун сотамиз.

1978 йилнинг охирига қадар колхозлар, давлат хўжаликлари ва хўжаликлараро корхоналарда қорамоллар сонини 1 миллион 530 минг бошга (шу жумладан сигирлар сонини 428 минг бошга, чўчқалар сонини 350 минг бошга қўй ва эчкилар сонини 6 миллион 500 минг бошга, катта ёшдаги паррандалар сонини 7 миллион 800 минг бошга, шу жумладан она товуқлар сонини 6 миллион 500 минг бошга) етказамиз.

Ҳар бир бош сигирдан соғиб олинадиган сут миқдорини 2200 килограмга, ҳар бир она товуқдан олинадиган тухум сонини 170 тага етказамиз. Ғўштга топшириладиган қорамолларнинг ўртача тирик вазни 380 килограммни, чўчқаларнинг тирик вазни 105 килограммни, қўйларнинг тирик вазни 45 килограммни ташкил этишига эришамиз.

Ҳар юз бош сигирдан 85 тадан бузоқ, ҳар юз бош совлиқ ва эчкидан 115 тадан қўзи ва улоқ, ҳар юз бош она чўчқадан 2500 тадан чўчқа боласи олишга эришамиз.

Республикамизда йилқичилик, қуёнчилик, асаларичилик, балиқчилик ва мўйначиликни янада ривожлантирамиз. Наслчилик ишларини яхшилаймиз, фермаларда ветеринария-профилактика тадбирларини ўз вақтида амалга оширамиз ҳамда намунали санитария тартибини ўрнатамиз.

4. Алмашлаб экишни планли равишда ўзлаштириш ҳамда беда, маккажўхори ва бошқа экинлар экиладиган майдонларни кенгайтириш ҳисобига чорвачиликнинг ем-хашак базасини янада мустаҳкамлаймиз. Аралаш, такрорий ва оралиқ ем-хашак экинлари экишни кенг жорий этамиз, бу экинларнинг ҳосилдорлигини оширамиз, чорва молларини юқори сифатли ва турли хил озуқалар билан таъминлаймиз. Ўрим-йиғим ишларини ўз вақтида ўтказиб, 5 миллион 200 минг тонна дағал хашак, шу жумладан 2 миллион 200 минг тонна сенаж тайёрлаймиз, 3 миллион 700 минг тонна силос бостирамиз.

Ҳамма хўжаликларда ем-хашак етиштириш, тайёрлаш ва ундан фойдаланишнинг прогрессив технологиясини жорий этамиз, 400 минг тонна донадор ва брикетлаштирилган озуқалар, 170 минг тонна витаминли ўт уни тайёрлаймиз. Чорвачиликда хлорелла бўтқасидан кенг фойдаланамиз.

Биз саноат корхоналари, қурилиш ва монтаж ташкилотларининг коллективларини чорвачиликка оталиқ ёрдами кўрсатишни кучайтиришга, қурилиш-монтаж ишларини, чорвачилик комплекслари, паррандачилик фабрикаларини, омихта ем заводлари ва озуқа цехларини реконструкция қилиш ҳамда ишга туширишни жадаллаштиришга, фермалардаги сермеҳнат иш жараёнларини комплекс механизациялаштиришда, ем-хашак етиштиришда колхоз ва совхозларга ёрдам беришга чақирамиз.

5. 24,5 минг тонна пилла етиштириб, давлатга сотамиз. Ипак қурти боқишда илғор иш усулларини жадал суръатда жорий қилишни давом эттирамиз ва пиллачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаймиз.

6. Камида 100 минг гектар янги ер ўзлаштириб, қишлоқ хўжалиги оборотига киритамиз. 101 минг гектар майдоннинг мелиоратив ҳолатини яхшилаймиз. 61 минг гектар майдонни капитал планировка қиламиз.

7. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш, меҳнат унумдорлигини энг юқори даражага кўтариш учун мавжуд барча имкониятлардан фойдаланиш, маҳсулот сифатини яхшилаш, иқтисодий кўрсаткичларни юксалтириш, ҳар бир гектар ердан, ҳар бир центнер ўғитдан ва ем-хашакдан, ҳар бир машинадан, капитал маблағларнинг ҳар бир сўмидан самарали фойдаланиш йўлида олиб борилаётган умумхалқ курашига активлик билан қўшиламиз.

Колхозларнинг жамоат маблағларидан юқори самара билан фойдаланишига, колхоз Уставига қатъий риоя қилинишига, давлат интизомининг мустаҳкамланишига эришамиз. Иқтисодий ишларнинг, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг барча тармоқларида меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг форма ва методларини янада такомиллаштирамиз. Дала ва ферма меҳнаткашларининг моддий манфаатдорликларини оширишга эришамиз.

8. Тупроқни шамол ва сув эрозиясидан муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширамиз. Бунинг учун суғориладиган ва лалмикор ерларда ихота дарахтзорларини барпо этамиз. Табиатни қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ўғитлар, заҳарли химикатлар, гербицидлар ва бошқа кимёвий воситалар билан ифлосланишидан муҳофаза қилиш ишларини янада кучайтирамиз.

9. Меҳнат коллективлари, районлар ва областларнинг социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажариш учун олиб борадиган курашларида социалистик мусобақа муҳим роль ўйнайди. Қардош пахтакор республикалар ўртасидаги анъанавий социалистик мусобақа — бизнинг кўпмиллатли мамлакатимиз халқлари ўртасидаги метиндек мустаҳкам дўстликнинг ёрқин рамзи бўлиб ҳисобланади.

Биз, қурултой қатнашчилари Ўзбекистон қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари номидан мусобақадош дўстларимиз бўлган Тожикистон, Туркманистон, Озарбайжон республикаларининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашларини ўнинчи беш йилликнинг учинчи йилида янгидан-янги ғалабаларни қўлга киритиш ва халқимиз фаровонлигини янада ошириш йўлида ўзаро социалистик мусобақани давом эттиришга чақирамиз.

Биз ўз имкониятларимизни ҳисоблаб чиқиб, Қорақалпоғистон АССР ва ҳар бир область бўйича, министрликлар ва ташкилотлар бўйича 1978 йил учун қуйидаги мажбуриятларни оламиз:

Қорақалпоғистон АССР

Гектаридан камида 32 центнердан пахта ҳосили оламиз, 380 минг тонна пахта етиштириб, давлатга сотамиз. Камида 270 минг тонна пахтани машиналар билан териб оламиз.

21 минг 900 гектар янги ер ўзлаштириб, қишлоқ хўжалиги оборотига киритамиз, 6250 гектар майдонни капитал планировка қиламиз, 13 минг 900 гектар майдоннинг мелиоратив ҳолатини яхшилаймиз.

Колхоз ва давлат хўжаликларида 285 минг тонна дон, шу жумладан, 210 минг тонна шоли, 75 минг тонна маккажўхори ва оқжўхори дони, 6,5 минг тонна картошка, 40 минг тонна сабзавот, 45 минг тонна полиз экинлари маҳсулотлари, 7 минг тонна ҳўл мева, 1,1 минг тонна узум, 14 минг тонна ғўшт (тирик вазнда), 39 минг тонна сут, 30,5 миллион дона тухум, 1000 тонна жун етиштирамиз.

Ҳамма категориядаги хўжаликлар бўйича давлатга 180 минг тонна дон, шу жумладан 170 минг тонна шоли, 2000 тонна картошка, 31 минг тонна сабзавот, 34 минг тонна полиз экинлари маҳсулотлари, 3,5 минг тонна ҳўл мева, 0,6 минг тонна узум, 16,1 минг тонна ғўшт (тирик вазнда), 33,3 минг тонна сут, 25,2 миллион дона тухум, 2000 тонна жун, 755 тонна пилла сотамиз.

Йил охирига қадар жамоат қорамолларининг сонини 174 минг бошга, шу жумладан сигирлар сонини 47 минг бошга, чўчқалар сонини 11 минг бошга, қўй ва эчкилар сонини 500 минг бошга, катта ёшдаги паррандалар сонини 450 минг бошга, шу жумладан она товуқлар сонини 370 минг бошга етказамиз.

Ҳар бир бош сигирдан соғиб олинадиган сут миқдорини 1850 килограммга, ҳар бир она товуқдан олинадиган тухум сонини 135 тага, ғўштга топшириладиган қорамолларнинг ўртача тирик вазнини 320 килограммга, чўчқалар вазнини 110 килограммга, қўй ва эчкилар вазнини 45 килограммга етказамиз.

Моллар подасининг ўрнини тўлдириш ишларини яхшилаймиз ва ҳар юз бош сигирдан 75 тадан бузоқ, ҳар юз бош она чўчқадан 2200 тадан чўчқа боласи, ҳар юз бош совлиқ ва эчкидан 118 тадан қўзи ва улоқ оламиз.

Аралаш, такрорий ва оралиқ ем-хашак экинлари экишни кенг жорий этамиз, бу экинларни намунали парвариш қиламиз, ҳар гектар эски бедапоядан 100 центнердан пичан, ҳар гектар маккажўхоридан 300 центнердан силосбоп кўк масса ва 70 центнердан дон оламиз. Ем-хашак етиштириш, тайёрлаш ва ундан фойдаланишда илғор технологияни кенг жорий этамиз. 450 минг тонна дағал хашак, шу жумладан 130 минг тонна сенаж, 20 минг тонна витаминли ўт уни, 21 минг тонна донадор ва брикетлаштирилган озуқалар тайёрлаймиз ҳамда 370 минг тонна силос бостирамиз.

Андижон области

Гектаридан камида 34 центнердан пахта ҳосили оламиз, 615 минг тонна пахта етиштириб, давлатга сотамиз. Камида 370 минг тонна пахтани машиналар билан териб оламиз.

1500 гектар янги ер ўзлаштириб қишлоқ хўжалиги оборотига киритамиз, 9 минг гектар майдонни капитал планировка қиламиз. 14 минг 200 гектар майдоннинг мелиоратив ҳолатини яхшилаймиз.

1978 йилги вегетация даври бошлангунига қадар мавжуд резервларни ишга солиб, 5300 гектар янги ўзлаштирилган майдондаги камида 850 та сув олинадиган қудуқлар ремонтини тугаллаймиз. Андижон сув омборининг 80 миллион кубометр сув тўпланадиган ҳавзасини тайёрлаймиз. 1978 йилда Оҳангарон сув омборининг сув қўйилувчи комплекси қурилишини ниҳоясига етказамиз.

«Узглавводстрой»

Пудрат ишлари, реализация қилинадиган саноат маҳсулотлари ҳамда юк ташиш йиллик планларини муддатидан илгари 1978 йилнинг 20 декабрига қадар бажаришга эришамиз. Планда белгиланганига нисбатан 5 миллион сўмлик кўп пудрат ишларини бажарамиз. Қурилиш ишларининг таннархини белгиланган топшириқдагига нисбатан 0,1 процентга арзонлаштирамиз. Пилига шартли равишда ҳисоблаганда 3 миллион 125 минг сўмлик иқтисодий самара берадиган рационализаторлик таклифларини ишлаб чиқаришга жорий этамиз.

Меҳнат унумдорлигини 0,1 процент оширишга, ҳар бир ишловчининг 13 минг 291 сўмлик ҳажмда иш бажаришига эришамиз.

Илғор ишчиларнинг билим ва тажрибалари ҳамда мураббийликларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқаришда 2950 нафар янги ишчилар тарбиялаб етиштирамиз.

Хўжалик ҳисоби асосида ишлайдиган бригадалар ўз кучимиз билан бажариладиган пудрат ишлари умумий ҳажмининг 30 процентини бажаришларига эришамиз.

Камида 90 процент объектни «яхши» ва «аъло» баҳолар билан фойдаланишга топширамиз.

17900 гектар янги суғориладиган ерларни фойдаланишга топширамиз, 18900 гектар ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаймиз, илгари ҳайдаб келинадиган 19400 гектар ерни яхшилаб текислаймиз. 35500 гектар мавжуд суғориладиган майдонларнинг сув таъминотини яхшилаймиз ҳамда 112 минг квадрат метр уй-жойни фойдаланишга топширамиз.

Йиллик планга қўшимча равишда 700 гектар суғориладиган янги ерларни ишга туширамиз, пландагидан ташқари 1100 гектар майдонинг мелиоратив ҳолатини яхшилаймиз, 1100 гектар эскидан экин экиб келинаётган майдонларни капитал планировка қиламиз.

1978 йилда қуйидаги объектларни муддатидан илгари қуриб битказамиз ва фойдаланишга топширамиз:

Фарғона областидаги Селижонобод насос станцияси ҳамда Андижон областидаги Отчопар сув омборини — 1978 йилнинг 7 октябрига қадар;

Андижон сув омборининг 80 миллион кубометр сув тўпланадиган биринчи босқичини — 1978 йилнинг суғориш мавсуми бошлангунига қадар;

Тошкент областидаги «Новгород» совхозида Бўстонлиқ канали зонасидаги ерларнинг ирригация-мелиорация ишларини яхшилашни 1978 йилнинг июнь ойига қадар;

Сурхондарё областидаги 16-совхоз ерларини суғоришни 1978 йилнинг 1 июлига қадар;

Наманган-балиқчилик хўжалиги бўйича 300 гектар ҳажмдаги балиқ боқиладиган кўлларни — 1978 йилнинг 7 ноябрига қадар;

Бўз балиқчилик хўжалиги бўйича 217 гектар ҳажмдаги балиқ боқиладиган кўлларни — 1978 йилнинг 7 ноябрига қадар.

Ўзбекистон ССР Тайёрлаш министрлиги

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш планини муддатидан илгари — 1978 йилнинг 27 декабрига қадар бажарамиз ва реконструкция қилиш, техникавий жиҳатдан қайта қуроллаш. 1978 йилда фойдаланишга топширладиган қувватларни ўзлаштириш ҳисобига йил охирига қадар планга қўшимча равишда 10 миллион сўмлик маҳсулот реализация қиламиз.

Йиллик пландан ташқари 10 минг тонна навли ун, 1 минг тонна гуруч ишлаб чиқарамиз.

Йиллик пландан ташқари 25 минг тонна аралаш озуқалар ишлаб чиқарамиз.

Меҳнат унумдорлигини берилган топшириққа нисбатан 1 процентга оширамиз, меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажмининг 95 процентга ўсишини таъминлаймиз.

Нон маҳсулотлари, уруғликлар, аралаш озиқалар ҳамда тараларнинг миқдор ва сифат жиҳатидан тўлиқ сақланишини таъминлаймиз.

Пахта, дон, техника экинлари ҳосили, чорвачилик ва деҳқончилик маҳсулотлари, навли ва гибрид уруғликлар ҳарид қилиш бўйича колхозлар, совхозлар ва бошқа хўжаликлар билан ўз вақтида контрактация шартномаларини тузамиз ҳамда бу шартномаларнинг ижроси устидан қатъий назорат ўрнатамиз.

1978 йилги ғалла ҳосилини қабул қилиб олишга ғалла қабул қилиш корхоналарининг моддий-техника базасини, жумладан, бошқли экинлар ҳосилини қабул қилиш пунктларини 1 июнга қадар, шоли, ғалла ва маккажўхори дони қабул қилиш пунктларини 1 августга қадар тўла шай қилиб қўямиз.

Омборлар, элеваторлар, ускуналар, РОБ ғалла қуритиш сушилкалари, ғаллани вентиляция қиладиган қурилмалар, автотаёзилар ремонтини ўз муддатида сифатли қилиб ремонтдан чиқарамиз.

Корхоналарнинг территорияларини ободонлаштириш, ишлаб чиқариш эстетикасини ошириш бўйича олиб борилаётган ишларни давом эттирамиз ҳамда камида 20 минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатларини ўтқазамиз.

Ўзбекистон ССР Ўрмон хўжалиги министрлиги

100 минг гектар майдонга ўз вақтида ва сифатли қилиб дарахт кўчатлари ўтказамиз. Шу жумладан:

— 96 минг гектар майдондаги саҳро яйловларининг ҳолатини яхшилаш ва бойитиш мақсадларида қилинадиган ишларни 1978 йилнинг баҳор мавсумида тўлиқ бажарамиз:

— 1920 гектар майдонга ёнғоқ дарахти кўчатларини ўтказамиз;

— 850 гектар майдонда янги арчазорлар барпо қиламиз.

— 2000 минг гектар майдонда ўрмон ихоталари ташкил этамиз, 2400 гектар ҳажмида тоғ ёнбағирларини зинапоя шаклида кесиб, дарахт кўчатлари ўтказамиз:

— 450 тонна турли хил дарахт ва бута ўсимликларининг кондицияли уруғликларини тайёрлаймиз ҳамда 120 миллион дона мевали ва манзарали дарахт кўчатларини ва ниҳолларини етиштирамиз.

— 2 миллион 300 минг сўмлик кенг истеъмолдаги товар маҳсулотларини ишлаб чиқарамиз. 2 миллион 58 минг сўм ҳажмидаги йиллик реализация планини 20 декабрга қадар бажарамиз.

— 10 минг тонна мева ва узум етиштирамиз. 570 гектар майдонда янги боғлар ташкил этамиз. Асалари оилаларининг сонини 110 мингтага етказиб. 81 тонна товар асал етиштирамиз. 74 тонна қўён гўшти етиштирамиз ва давлатга 37 минг дона қўён терисн топширамиз.

— 275 тонна доривор ва озуқабоп ўсимликлар тайёрлаймиз.

— 800 бош она қўёнга мўлжалланган Каттақўрғон қўёнчилик фермаси қурилишини ниҳоясига етказамиз.

— Ўрмон хўжаликларида меҳнат унумдорлигини 3 процентга оширамиз.

— Зиммага олинган 1978 йилги социалистик мажбуриятларнинг 20 декабрга қадар бажарилишига эришамиз.

Ленинчи партиямиз Марказий Комитетини, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюросини қатъий ишонтириб айтамизки, Ўзбекистон қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари партия XXV съездининг ва КПСС Марказий Комитети декабрь (1977 йил) Пленумининг тарихий қарорларини хаётга татбиқ этиш, 1978 йил ва умуман ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли суратда бажариш учун бор куч-ғайратларини аямайдилар, барча зарур тадбирларни амалга оширадилар.

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИЛҒОРЛАРИНИНГ 1978 ЙИЛ 25 ФЕВРАЛДА БЎЛИБ ЎТГАН ҚУРУЛТОЙИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН.

ХАЛҚ МАОРИФИГА ДОИМИЙ ҒАМХЎРЛИК

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИДАН

Кеча халқ депутатлари область советининг тўртинчи сессияси бўлиб ўтди. Сессияни халқ депутатлари область Совети ижроия комитетининг раиси ўртоқ **П. Ю. Юсупов** очди. Унда область ижроия комитети раисининг ўринбосари **Г. Б. Иўлдошева** «Областда халқ маорифининг аҳволи ва уни КПСС XXV съезди қарорлари асосида янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида» доклад қилди.

Ўртоқ Иўлдошева таъкидладики, совет халқининг КПСС XXV съезди тарихий қарорларини бажариш йўлидаги фаолияти меҳнат жўшқинлиги беқиёс қучайган, мамлакатимиз кишилари коммунистик партия ва унинг ленинчи Марказий Комитети атрофига мустаҳкам жипслашган бир вазиятда амалга ошаяпти.

Бутун совет халқи синтари Тошкент области меҳнаткашлари ҳам КПСС XXV съездида қабул қилинган экономика ва маданиятнинг бундан буёнги тараққиёт планини юксак уюшқоқлик ва сиёсий активлик билан ҳаётга тадбиқ этмоқдалар. Область халқ хўжалигини юксалтиришнинг 1977 йилги муваффақиятли натижалари бунинг ёрқин далилидир.

Областимизнинг ютуқлари Коммунистик партия ва Совет ҳукумати томонидан юқори баҳоланди. У КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил Байроғини қўлга киритишга муваффақ бўлди. Бундай юксак мукофотга шунингдек Калинин райони ва тўқиз-тиладиган, ғоявий эътиқодли, меҳнатга чинакам ижодий муносабатда бўладиган қилиб тарбиялаш энг муҳим вазифаларнинг биридир. Коммунизм учун курашнинг жуда муҳим фронти мана шу йўлдан ўтади. Иқтисодий қурилишнинг бориши ҳам мамлакатнинг социал сиёсий ривожланиши ҳам шу фронтдаги ғалабаларимизга тобора кўпроқ боғлиқ бўлаверади»,— деган эди ўртоқ Л. И. Брежнев Октябрнинг 60 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда.

Кўплаб мактабларнинг педагогик коллективлари бу проблемаларни муваффақиятли ҳал этмоқдалар. Чирчиқ шаҳридаги 2-мактаб замонавий чиройли бинога жойлашган. Предмет кабинетлари замонавий ўқув техника қуроллари билан жиҳозланган. Болаларнинг билим олишлари учун ҳамма шарт-шароит яратиб берилган. Ўқитувчилар ғоявий-сиёсий, ахлоқий ва меҳнат тарбиясини комплекс ҳолда олиб бормоқдалар. Ишлаб чиқариш таълими ва ўқувчиларнинг касб маҳорати бўйича ишлар яхши йўлга қўйилган. Мактаб битирувчилари ўрта маълумот билан бирга автомашина ҳайдовчиси касбини ҳам эгаллашади. Педагогик коллективнинг илғор тажрибаси СССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг биринчи даражали дипломи билан тақдирланган.

Ишнинг юксак даражаси яна бошқа кўплаб педагогик коллективларда ҳам мавжуд. Чиноз районидаги 1-мактаб, Бўстонлиқ районидаги 2-мактаб. Олмалиқ шаҳрининг 1-мактаб, Коммунистик районидаги «Правда» колхози, Ўрта Чирчиқ районидаги Терешкова номли, Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозларининг болалар боғчалари шулар жумласидандир.

Халқ маорифини ривожлантиришга маблағ ажратиш йил сайин орталиги. Бу воситалар эвазига кабинетлар ташкил этилмоқда, замонавий ўқув қўрғазмали қуроллари, таълимнинг техник воситалари сотиб олинмоқда, ошхоналар қурилмоқда. Медицина ва тиш кабинетлари жиҳозланаяпти. Давлат ўқувчиларнинг таълим-тарбияси учун ҳар қандай воситаларни ва қулай шарт-шароитларни вужудга келтираяпти.

Беш йилликнинг ўтган икки йилида областда 25 минг ўқувчи ўринли 33 мактаб, ўн минг ўринли 75 болалар боғчаси ва яслилар қурилди.

Давлатимизнинг мактабларга эътиборини Ленин номли Ўзбекистон металлургия комбинати, Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати, «Ўзбекшахтострой» трести ва бошқа кўплаб коллективларда кўриш мумкин.

Бекобод, Янгийўл, Коммунистик, Оққўрғон районидаги қатор колхозлар ажойиб мактаб биноларини қуриб ишга туширишда, қимматли ташаббус кўрсатдилар. Янгийўл районидаги Н. Авазов раислик қилаётган Ленин номли колхоз 640 ўқувчи ўринли типовой мактаб ва ҳар қайсиси 140 ўринли иккита болалар боғчаси қуриб берди. Бўка районидаги З. Исоқов раҳбарлик қилаётган «Ленин йўли», Оққўрғон районидаги А. Абдураҳмонов раислик қилаётган К. Маркс номли, Бекобод районидаги Ҳ. Ҳамроқулов раислик қилаётган Ленин номли ва бошқа кўплаб колхозлар болалар ҳақида тиқилинсиз ғамхўрлик кўрсатмоқдалар.

Шу билан бирга, ўқув-моддий базаларини яратишда жиддий камчиликлар борлигини таъкидлаб ўтиш керак.

Ҳалигача баъзи мактаблар ўқув процессини замонавий талаблар даражасида ташкил қилиш учун шароит мавжуд бўлмаган эски биноларда жойлашган. Масалан, Оҳангарон районини олиб кўрайлик. Бу районда мавжуд 48 мактабнинг фақат 7 таси зарур моддий базали замонавий бинода жойлашган. Бу райондаги йигирмадан ортиқ мактаб умуман устахона, спорт зали, предмет кабинетларига эга эмас.

Оржоникидзе, Чиноз, Бўка районларида ҳам ўқув-моддий базалари кучсиз ва уларни ривожлантириш ҳам шу йилнинг 1 сентябргача 4,5 минг ўқувчи ўринли мактаб биноларя фойдаланишга топширилади. Республика қишлоқ қурилиши министрлигининг 23-қурилиш трести ва «Облсельстрой» трести мактаблар қурилишини паст суръат билан олиб бориб муддатидан кечикиб фойдаланишга топширяпти.

Қурилиш ишларининг сифати пастлигича қоляпти. Чиноз райони Олмазор посёлкасида 1104 ўқувчи-ўринли мактаб «Облсельстрой» трести томонидан сезиларли камчиликлар билан фойдаланишга топширилган.

Область ва шаҳар ижроия комитетларининг коммунал қурилиш бўлимлари, область маориф бўлими маориф объектларининг қурилишидаги жиддий камчиликларга эътибор қилишлари, ҳужжатларни тайёрлашни ўз вақтида ҳал этишлари, жиҳозлаш ва молиялаштириш ишларини тезлаштириш, воситаларни ўзлаштиришга ҳалал берадиган сабабларни аниқлашлари зарур.

Қурилиш ташкилотлари маориф объектларининг қурилишига чуқур масъулият ҳисси билан қарашлари, унга ажратилган капитал маблағларни тўлиқлигича ўзлаштиришлари, янги ўқув йилига уларни сўзсиз фойдаланишга топширишлари керак.

Маориф корхоналари ўқув-моддий базаларининг мустаҳкамланиши пул воситаларидан рационал ва планли фойдаланишга бевосита боғлиқдир.

Давлат йил сайин бу соҳага маблағ ажратишга катта эътибор бераяпти. Бироқ, маориф ташкилотлари бу воситаларни тўлиқлигича ўзлаштирмаяптилар.

Иссиқ овқат ташкил қилиш масаласи ҳамма мактабларда ҳам ҳал этилган эмас. Баъзи мактабларда умуман ошхоналар йўқ. Мактаб буфетлари ва ошхоналарида ассортимент қашшоқ. Ўқувчиларга хизмат кўрсатиш даражаси паст.

Халқ депутатлари шаҳар ва район Советлари, уларнинг бўлимлари ва халқ маорифи бўйича доимий комиссиялар ҳар бир мактабнинг моддий таъминоти аҳволини синчиклаб текширишлари, коохоналарнинг активи иштирокида уларни яхшилашнинг аниқ тадбирларини белгилашлари лозим. Мактаб ҳақидаги ғамхўрлик умумхалқ ишидир ва ундан четда туришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Ривожланган социалистик жамият шароитида мактаб янги сифат касб этди. Замонавий мактаб болалар ва ўсмирларни коммунистик тарбиялашнинг стратегия ва тактикаси ишлаб чиқиладиган ва амалга оширилиадиган муҳим ячейкадир. Бу вазифаларни ҳал этиш учун барча болалар ва ўсмирлар ўрта маълумот олишлари шарт. Халқ маорифи органлари мактаб ёшидаги ҳамма болаларни ўқишга тортиш юзасидан маълум натижаларга эришдилар.

Шу билан бир вақтда умумий ижобий рақамлар орқасида ўқувчиларнинг мактабга қатнамаётганлиги каби ташвишли ҳоллар учраб туради. Бунинг асосий сабаби ўзлаштирмовчилик ва синфда икки йил ўтиришдир. Ишчи-ёшларга таълим бериш ҳамма жойда ҳам қониқарли эмас.

Докладда шу билан бирга ўқувчиларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш соҳасида ҳал этилмаган анчагина проблемалар борлиги таъкидланди.

Кўпгина умумтаълим мактабларида ўқув-тарбия ишларининг қониқарсиз йўлга қўйилганлиги жиддий камчиликлардан биридир. Ҳамма мактабларда ҳам таълим даражаси талабга жавоб беравермайди.

Меҳнат таълими ўқувчиларни коммунистик руҳда тарбиялашда муҳим роль ўйнайди. Бизнинг умумий таълим мактабларимиз — меҳнат мактабларидир. Ўз тарбияланувчиларини ҳаётининг маълум даврида станок ёнида туришга, трактор рулига ўтиришга, меҳнат муҳитига киришиб кетишга тайёрлаши лозим. Областимизнинг шаҳар ва районларидаги педагогик коллективлар жамоатчилик ёрдамида бу вазифани бажариш юзасидан ҳар томонлама иш олиб бормоқдалар.

Ҳозирги вақтда 150 мактабда ишлаб чиқариш таълими жорий этилган. 15 минг ўқувчи ўқув ишлаб чиқариш бригадаларида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш асосларини ўрганаяпти. 19 мактабларароқ ўқув ишлаб чиқариш комбинатларининг ташкил этилганлиги меҳнат таълими ва касб маҳорати бўйича янги самарали форма бўлди. Бу ишнинг дастлабки биринчи қониқарли натижалари мавжуд.

Шу билан бирга меҳнат соҳасида айрим камчиликлар ва ҳал этилмаган муаммолар бор. Кўпгина мактабларда ишлаб чиқариш таълими учун моддий база етишмайди. Бўка, Ғалаба, Тошкент районларида ҳалигача ўқув-тажриба комбинатлари ташкил этилмаган. Ҳатто Олмалиқ сингари йирик индустриал шаҳарда ҳам мактабларароқ ўқув ишлаб чиқариш комбинатининг ташкил этилиши икки йил кечикди ва ҳозиргача унинг фаолияти қониқарли эмас.

Қишлоқда 359 ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадалари мавжуд. Бу кам эмас. Бироқ, ҳамма ерда ҳам бригада ишлари ўқув планлари билан боғланган эмас. Бригаларда йил давомида иш цикли таъминланмайди, қўл меҳнатига эътибор катта. Ўқувчиларни чорвачилик ишларига тайёрлаш етарли даражада эмас.

Коммунистик тарбия вазифаларининг ҳал этилишида мактабдан ташқари муассасаларнинг мактаблар билан бирга ўқувчиларнинг дарсдан бўш пайтларида олиб борадиган ишлари катта аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан область ёш техниклар станциясининг фаолияти самаралидир.

Эстетик тарбия бўйича музика мактаблари катта ишлар қиляпти. Ҳарбий-ватанпарварлик ва жисмоний тарбия ишлари сезиларли яхшиланди.

Бироқ мактабдан ташқари муассасалар фаолиятида нуқсонлар кўп. Уларнинг моддий базалари кучсиз, кадрлар состави заруур талабларга жавоб бермайди. ЖЭКлар, маҳаллалар ва яшаш жойларида болалар билан ишлаш яхши йўлга қўйилмаяпти.

Областимизда мактабгача болалар муассасаларининг фаолиятини яхшилаш ва ривожлантириш бўйича кўп иш қилиняпти

Учинчи беш йилликнинг ўтган икки йилида мактабгача тарбия муассасаларининг сони 37 тага кўпайди, тарбияланувчилар эса 11 минг нафарга ошди. Ҳозир мактабгача тарбия муассасаларида 10 мингдан зиёд бола тарбияланмоқда.

Мактабгача тарбия муассасаларининг моддий базалари бир мунча яхшиланди. Икки йил ичида молиявий манбалар бўйича 9600 ўринли болалар боғча-яслилари ишга туширилди.

Хўжалик раҳбарлари болалар боғчаларининг янги қиёфаси меҳнат унумдорлигини ошириш, хотин-қизларни ишлаб чиқаришга жалб этиш, оилада бола тарбиясини тўғри ташкил этиш ва уларни мактабга тарбиялашда муҳим босқич эканлигини тобора яхшироқ тушунмоқдалар.

Бўка, Ўрта Чирчиқ районларидаги қатор хўжаликларнинг колхоз ва совхозлар энг яхши биноларини болалар боғчаларига топшириш ҳақидаги олийжаноб ташаббуси ҳар қанча қўллаб-қувватланса арзийди.

Шу билан бир вақтда бу муҳим ишда баъзи қийинчиликлар ва ҳал этилмаган масалалар бор.

Уларнинг асосийларидан бири шуки, биз ҳали колхозлардаги мактабгача тарбия муассасаларида болаларни йил бўйи тарбиялашга эришмадик.

Кўпгина болалар боғчалари моддий базаларининг яратилиши каби ўқув-тарбия ишлари жиҳатидан ҳам бугунги кун талабига жавоб бермайди. Кадрлар, айниқса, музика ўргатувчи, медицина ходимлари, ошпазлар етказиб бериш тўлиқ ҳал этилмаган.

Беш йиллик охиригача областимизда 28 минг ўринли болалар мактабгача тарбия муассасалари қурилиши лозим. Уларда тарбияланувчилар сони 118 мингга, шу жумладан, қишлоқ болалар боғчаларида 73 мингга етказилади.

Лекин Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги ва «Узколхозстрой» мактабгача болалар муассасалари қурилишини кечиктиряптилар. Ҳатто, қурилиши керак бўлган муассасалар сонини олдинданоқ планда камайтириб кўрсатадилар.

Бу йил ҳамма районларда марказлашган колхозларарО мактабгача тарбия муассасалари ташкил этилиши керак.

Ҳозир областда 26 мингдан зиёд ўқитувчи ишлаяпти. Бу рақам, Октябрь арафасида ҳозирги Тошкент области территориясидаги бор-йўғи 13 мактабда 80 ўқитувчи ишлаганлигини эсласак, алоҳида салобат билан жаранглайди. 3 мингдан зиёд ўқитувчи шарафли меҳнати учун юксак ҳукумат мукофотлари ва фахрий унвонларга сазовор бўлган.

Ўқитувчиларнинг турар-жой-маиший шароитини яхшилаш юзасидан кўп ишлар қилинмоқда.

Шу билан бирга ўсиб бораётган талаблар педагог кадрлар билан ишлашда бир қатор жиддий проблемаларни ҳал қилишни тақозо этади. Биз ҳалигача ўқитувчи кадрларнинг етишмаслигини ҳис қиламиз.

Ўқитувчи кадрларнинг қўнимсизлиги ҳали ҳам учраб туради.

Ўрта Чирчиқ, Калинин, Чиноз районлари ва Олмалиқ шаҳар Совети ижроия комитетлари ўқитувчиларнинг ҳаёт ва турмуш шароитини яхшилаш юзасидан етарли ғамхўрлик кўрсатмаяптилар.

Бизда бу вазифаларни бажариш учун ҳамма объектив шарт-шароитлар мавжуд. Шубҳа йўқки, область халқ маорифи ходимларининг катта армияси бундан кейин ҳам ўзининг бутун энергияси, билими, тажрибаси, педагогик маҳорати, қалбининг бутун ҳароратини ўсиб келаётган авлод тарбиясига сарф қилаверадилар.

* * *

Сессияда шу масала юзасидан халқ депутатлари область Советининг халқ маорифи бўйича доимий комиссияси раиси **Э. Ҳ. Ҳатамов** қўшимча доклад қилди.

Докладлардан сўнг бошланган музокарада сўзга чиқкан Оржоникидзе район партия комитетининг секретари **Е. П. Пўлатов** районда ўсиб келаётган авлодга таълим ва тарбия бериш борасидаги ишлар ҳақида сўзлаб берди. Бу ерда йил сайин мактабларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланмоқда. Ўтган йили районда 3 минг ўқувчи ўринли янги мактаб бинолари ва синфхоналар қурилди. Шу беш йилликда яна 6 минг ўқувчи ўринли бинолар қурилади. Фақат ўтган йилнинг ўзида 420 минг сўмга қўрғазмали қуроллар сотиб олинди.

Районда ўқувчилар меҳнат тарбиясини яхшилаш учун кўп ишлар қилинмоқда. 1070 ўқувчига бирлашган 32 ўқувчилар бригадаси ташкил этилган. Кўплаб мактабларда меҳнат тарбияси кабинетлари жиҳозланган. Ташкил этилган етти касб бўйича махсус билим берадиган мактабларароқ ўқув ишлаб чиқариш комбинати муваффақиятли ишлаб турибди.

— Совет мактаби,— деди сессияда сўзга чиққан Ангрен шаҳар ижроия комитетининг раиси **Н. И. Юрин**,— ҳар томонлама ғамхўрлик билан қуршаб олинган. Биз ангренликлар бу ғамхўрликни доимо ҳис қилиб турамиз. Халқ маорифига маблағ ажратиш кўпаймоқда, унинг моддий-техника базаси мустаҳкамланяпти. Ангрендаги бутун мактаблар аллақачон бир сменали машғулотларга ўтишган, 21 та мактаб эса таълимнинг кабинет системаси бўйича ишлаяпти. Халқ маорифи масалалари мунтазам равишда шаҳар партия комитети бюроси ва халқ депутатлари шаҳар Совети ижроия комитети кенгашларида кўриб турилади.

— Шу билан бирга,— деди ўртоқ Юрин,— шаҳар халқ маорифи органлари фаолиятида ҳали кўп камчиликлар бор. Мактабларнинг спорт базалари талабга жавоб бермайди.

Оҳангарон районидаги 2-мактаб ўқитувчиси **А. Холтўраев** ўз сўзини район ўқитувчиларини ташвишлантирган масалаларга бағишлади.

Чирчиқ шаҳрида ишчи-ёшлар билан ишлашнинг аҳволи ҳақида Чирчиқ трансформатор заводи ўровчиси **Л. П. Калиниченко** сўзлаб берди.

Сессияда область ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи **А. Раҳмонов** мактабгача болалар муассасалари тармоғини кенгайтириш проблемалари ҳақида батафсил тўхталди.

Бу масалани муҳокама қилишда Янгийўл районидаги Ленин номли колхоз раиси **Н. Авазов**, Бекобод район халқ маорифи бўлимининг мудири **К. Абдувоҳидов**, Тошкент районидаги Ҳасанбой қишлоқ Совети ижроия комитетининг раиси **Ш. Қозоқбоев** ва Калинин районидаги 8-ўрта мактаб директори **М. Алимовалар** ҳам қатнашдилар.

Сессияда Ўзбекистон ССР маориф министрининг биринчи ўринбосари **В. В. Барильников** сўзга чиқди.

Сессияда, шунингдек, халқ депутатлари XVI чақириқ область Совети II ва III сессияларида депутатлар томонидан билдирилган таклиф ва тақиқидий мулоҳазаларнинг қандай бажарилаётганлиги ҳақидаги масала ҳам муҳокама қилинди. Шу билан бирга депутатлар ташкилий масалаларни ҳам кўриб чиқдилар.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

МУКОФОТ МУБОРАК

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИЛҒОРЛАРИНИ СССР ОРДЕН ВА МЕДАЛЛАРИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида эришган муваффақиятлари, 1977 йилда пахта ва бошқа деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш ва уларни давлатга сотишни кўпайтириш юзасидан белгиланган план ва социалистик мажбуриятларни бажаришдаги шавкатли меҳнатлари учун қуйидагилар СССР орден ва медаллари билан мукофотлансин:

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИ БЎЙИЧА

«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Турдибоев Одил — Қуйи Чирчиқ районидаги Димитров номли колхоз аъзоси.

Турсунбоева Ортиқ — Бўстонлиқ районидаги «Қозоғистон ССР 30 йиллиги» колхозининг аъзоси.

Турсунқулова Саври — Пискент районидаги Калинин номли колхоз аъзоси.

Тусаматова Вазира — Тошкент районидаги Навоий номли колхоз аъзоси.

Тўхтаев Ғулом — Бўстонлиқ районидаги «Чорвоқ» совхозининг бош агрономи.

Тўхтаназаров Ўткир Имомович — Қуйи Чирчиқ районидаги Тошкент қишлоқ хўжалик институти Киров номли ўқув-тажриба хўжалигининг бригада бошлиғи.

Тян Вера — Қуйи Чирчиқ районидаги «Победа» колхозининг аъзоси.

Умаров Баҳром — Чиноз районидаги Карл Маркс номли колхоз бригада бошлиғи.

Умаров Хасан — Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозининг сувчиси.

Умарова Саломат — Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхоз аъзоси.

Умарова Санталат — Оққўрғон районидаги Калинин номли колхоз аъзоси.

Умирова Қўйсин — Пискент районидаги Свердлов номли колхоз аъзоси.

Умарқулов Хидирали — Бекобод районидаги 1-«Далварзин» совхозининг трактористи.

Урозов Турсун — Ўрта Чирчиқ районидаги «Северний маяк» колхозининг бригада бошлиғи.

Уринбоева Рисолат — Оҳангарон районидаги Ворошилов номли совхоз ишчиси.

Уришов Ҳамроқул — Бекобод районидаги Навоий номли колхоз тракторчиси.

Урядов Владимир Степанович — Ўзбекистон Компартияси Оржоникидзе район комитетининг иккинчи секретари.

Усмонқулова Қаршигул — Бекобод районидаги «Победа» колхозининг аъзоси.

Усмонова Назокат — Бекобод районидаги Навоий номли колхоз аъзоси.

Усмонов Саидмаҳмуд Нуғмонович — Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги экономикаси илмий-текшириш институтининг директори.

Фатхуллаев Файзулла — Юқори Чирчиқ районидаги «Ленинобод» колхозининг бригада бошлиғи.

Фахриеломов Ранс Аисович —Калинин районидаги Ю. Гагарин номли совхоз тракторчиси.

Федоза Екатерина Дмитриевна — Қуйи Чирчиқ районидаги Киров номли колхоз аъзоси.

Федоров Ким Георгиевич — Ўзбекистон ССР Тайёрлов министрлиги давлат инспекциясининг бошлиғи.

Хабарова Антонина Николаевна — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармасининг бўлим бошлиғи.

Ҳакимова Нори — Калинин районидаги Калинин номли колхоз аъзоси.

Холматова Тилла — Оржоникидзе районидаги академик Р. Р. Шредер номли боғдорчилик, узумчилик, виночилик илмий-текшириш институтининг ишчиси.

Холмирзаева Жумагул — Ўрта Чирчиқ районидаги Куйбишев номли колхоз аъзоси.

Хрушбоев Хусан — Пискент районидаги 2-«Пискент» совхозининг звено бошлиғи.

Худдиева Марям — Бўка районидаги «Партия XIX съезди» колхозининг аъзоси.

Худойназарова Мияссар — Бўка районидаги Тимирязев номли колхоз аъзоси.

Худоёрова Марфуза — Чиноз районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг аъзоси.

Хусанов Ғани — Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитети партия комиссиясининг аъзоси.

Чигай Надежда — Юқори Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхоз аъзоси.

Чирков Виктор Михайлович — Чиноз районидаги «Чиноз» наслчилик совхоз-техникумининг трактористи.

Чирчиқбоев Ўскан — Қуйи Чирчиқ районидаги космонавт Волков номли совхоз бўлим бошқарувчиси.

Чумаченко Александр Сергеевич — республика «Водспецремонт» трестининг бошқарувчиси.

Шамсиев Эсжон — Чиноз районидаги Энгельс номли колхоз раиси.

Шамсиддинов Загир Низамиддинович — Калинин районидаги «Қорасув» совхозининг инженер-экономисти.

Шоназаров Жўра — Оржоникидзе районидаги «Коммунист» колхозининг звено бошлиғи.

Шарипов Серкали — Юқори Чирчиқ районидаги «Гулистон» колхозининг механизатори.

Шатуновский Борис Миронович — «Ташкентская правда» область газетасининг редактори.

Шотурсунов Шоумар — Юқори Чирчиқ район маслаҳат жамияти тайёрлов идорасининг тайёрловчиси.

Шахмедов Иршат Шокирович — Оржоникидзе районидаги Н. И. Вавилов номли Бутуниттифоқ ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти тажриба станцияси лабораториясининг мудири.

Шегай Лидия — Қуйи Чирчиқ районидаги Ленин номли колхоз аъзоси.

Шойнахатова Тўхта — Бўстонлиқ районидаги «Қозоғистон ССР 30 йиллиги» колхозининг аъзоси.

Шомаҳмудов Шомурот — Оржоникидзе районидаги «Правда» колхозининг аъзоси.

Шомуротова Холбуви — Бўстонлиқ районидаги «Хўжакент» совхозининг ишчиси.

Шукуралиев Иўлдошбой — Бекобод районидаги «Коммунизм» колхози раисининг ўринбосари.

Эбасан Исмоил — Қуйи Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» тажриба хўжалигининг бригада бошлиғи.

Эргашева Орзигул — Қуйи Чирчиқ районидаги Ҳамза номли колхоз аъзоси.

Эриазарова Замира — Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхозининг аъзоси.

Эсиркепов Султон — Пискент районидаги «Гулистон» колхозининг бригада бошлиғи.

Эшова Нуриниса Душабоевна — Ўрта Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхоз аъзоси.

Эшонов Махамат — Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги бош бошқармасининг бошлиғи.

Иўлдошев Исмоил — Тошкент районидаги «Тошкент» совхозининг тракторчиси.

Иўлдошева Назми — Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхоз пиллачиси.

Иўлдошева Эргашой — Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхозининг аъзоси.

Иўлдошхўжаев Сандаҳоб — Оҳангарон районидаги С. Раҳимов номли совхоз бригада бошлиғи.

Юнусов Пардабой — Калинин районидаги Оржоникидзе номли колхоз аъзоси.

Юсупов Зарибой Юсупович — Тошкент қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва ирригациялаш инженерлари институтининг доценти.

Яхшибоев Юнус — Бўка район суғориш тармоқлари бошқармасининг техниги.

III ДАРАЖАЛИ МЕҲНАТ ШУҲРАТИ ОРДЕНИ БИЛАН

Аббазов Мурот — Янгийўл районидаги Н. Ниёзов номли колхоз сувчиси.

Абдалиев Абраим — Оҳангарон районидаги «Октябрь» совхозининг бригада бошлиғи.

Абдуқодиров Босим — Оққўрғон районидаги «Оққўрғон» совхозининг бригада бошлиғи.

Абдуқодирова Равшан — Оҳангарон районидаги «Оҳангарон» совхозининг ишчиси.

Абдуллаев Турдиали — Бекобод районидаги Навоий номли колхоз бригада бошлиғи.

Абдуллаев Хусан — Пискент районидаги Вахрушев номли совхоз-завод бригада бошлиғи.

Абдуллаева Салқин — Бўка районидаги «Кўкорол» совхозининг ишчиси.

Абдуллаева Ҳадича — Бўка районидаги Ҳамза номли колхоз аъзоси.

Абдуллаева Ширин — Янгийўл районидаги Ленин номли колхоз аъзоси.

(Давоми бор).

Спорт

ДЎСТЛИК ҒАЛАБА ҚИЛДИ

Бир ҳафта давомида Тошкент шаҳри ва пойтахт области стадионларида мусобақалашган халқаро турнир иштирокчилари уйларига бой таассуротлар билан қайтишмоқда. Улар футбол майдонларида учрашувлар ўтказиш билан бирга, Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилдилар, саноат корхоналарида учрашувларда қатнашдилар.

Ўтган дам олиш куни VIII турнирнинг ёпилиш кунида ҳам худди мусобақанинг очилишидаги каби қор ёғиб турган бўлишига қарамай кўпсонли футбол шинавандалари «Пахтакор» стадионига тўпландилар. Бу ерда СССРнинг биринчи командаси билан иккинчи командаси ўзаро учрашди. Ишқибозлар группадаги саралаш ўйинларининг ҳаммасида ғолиб келиб, рақиб дарвозасига 19 та тўп киритиб, ўз дарвозасини даҳлсиз қолдирган биринчи терма команда ғолиб келади деган фикрда эдилар. Тенг курашда ўтган бу ўйиннинг асосий вақтида ғолиб аниқланмади. Ҳисоб 1:1. Қўшимча берилган 20 минутда ҳам командалар орани очиқ қила олмайдиганга ўхшаб кўринарди. Лекин ўйин тугашига тўрт минут қолганда И. Ғамула, кейин эса Г. Шугаевлар командасини олдинга олиб чиқди. 98-минутда СССР-I командаси ҳужумчиси А. Спиридон ўн бир метрлик жарима тўпини киритиб олмади. 99-минутда эса И. Гуршкович ҳисобни 2:3 қилди. Ана шундай кескин курашда ўтган ўйинда мамлакатимизнинг иккинчи терма командаси ғолиб келиб, бош соврин эгаси бўлди.

Уз группаларида иккинчи ўринни эгаллаган Ўзбекистон ва Эрон футболчилари ўзаро учрашдилар. 1:0 ҳисобида ғолиб келган республикамиз футболчилари турнирда умумий учинчи ўринни эгаллашди. Кейинги ўринлар эса қўйидагича тақсимланди: Эрон, Польша, Венгрия, ГДР, Болгария, Украина, Чехословакия.

Турнирда энг яхши ўйин кўрсатган дарвозабон, ҳимоячи, ярим ҳимоячи ва ҳужумчи ҳамда судьялар учун ҳам таъсис этилган мукофотлар топширилди. Булар орасида республикамиз вакили ҳимоячи Денисов ҳам бор.

«БИНОКОР» ОЛДИНГА ИНТИЛМОҚДА

«Бинокор» хоккейчилари чемпионатнинг кейинги ўйинларини ўюшқоқлик билан ўтказишмоқда. Мана, етти ўйиндирки, улар кетма-кет ғалабага эришишмоқда. Қуйбишевнинг армия спорт клуби командаси билан бўлган биринчи ўйинда 8:6 ҳисобида устун келган ҳамшаҳарларимиз очколари 57 тага етказиб, турнир жадвалида учинчи ўринга кўтарилишди.

Кеча командалар такрор ўйин ўтказдилар.

ОЛИЙ ЛИГАГА ИЎЛЛАНМА

Шахмат бўйича биринчи лига катнашчилари ўртасида республика чемпионати тугади. Область мусобақаларининг ғолиблари олий лигада қатнашиш учун куч синашдилар. Тошкентлик мастерликка номзод Н. Айдаров 11 ижониятдан 9 очко тўплаб, биринчи ўринни олди. Л. Маслов, С. Фокин ва Д. Латиповлар 8 тадан очко билан 2—4 ўринларни бўлишиб олдилар. Н. Айдаров, Л. Маслов ҳамда С. Фокинлар республика шахматчиларининг олий лига мусобақаларида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлишди.

Редактор ўринбосари С. МУСАЕВ.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41

Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; маданият — 325558; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; рассом — 325645; фотомухбир — 325894

Р. 02268. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Д—2358.